

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОДИЛОВ ИСЛОМЖОН КОМИЛЖОН ЎҒЛИ

**МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР МЕЪЁРЛАРИНИ ҚАНД ЛАВЛАГИДАН УРУҒ
ҲОСИЛИ ОЛИШДАГИ САМАРАДОРЛИГИ
(Наманган вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида)**

06.01.04 – «Агрокимё»

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy
(PhD) on agricultural sciences**

Одилов Исломжон Комилжон ўғли

Минерал ўғитлар меъёрларини қанд лавлагидан уруғ ҳосили олишдаги самарадорлиги (Наманган вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида) 3

Одилов Исломжон Комилжон угли

Эффективность норм минеральных удобрений в получении семенного урожая сахарной свеклы (В условиях светло-серозёмных почв Наманганской области)..... 21

Odilov Islomjon Komiljon ugli

The effectiveness of mineral fertilizer standards in the production of seeds from sugar beet (in the conditions of light gray soils of Namangan region)..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОДИЛОВ ИСЛОМЖОН КОМИЛЖОН ЎҒЛИ

**МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР МЕЪЁРЛАРИНИ ҚАНД ЛАВЛАГИДАН УРУҒ
ҲОСИЛИ ОЛИШДАГИ САМАРАДОРЛИГИ
(Наманган вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида)**

06.01.04 – «Агрокимё»

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Qx559 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Наманган давлат университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://www.soil.uz>) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (<http://www.ziyounet.uz>) жойлаштирилган

Илмий раҳбар:

Сулаймонов Иномжон Жамолдинович

қишлоқ хўжалиғи фанлари номзоди, катта илмий ходим

Расмий оппонетлар:

Каримов Хусниддин Нағимович

қишлоқ хўжалиғи фанлари доктори, катта илмий ходим
Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти

Мирзаев Лутфулло Арибжанович

қишлоқ хўжалиғи фанлари номзоди, катта илмий ходим
Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиғи вазирилиги

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «13» 07 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, ЎзПТИТ Кўчаси, ТАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: info@soil.uz).

Диссертация билан Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (64- рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, ЎзПТИТ Кўчаси, ТАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2022 йил «27» 06 куни тарқатилди.

(2022 йил «27» 06 даги 6 рақамли реестр баённомаси)



Ш.М.Бобомуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., катта илмий ходим.

Ж.М.Кўшев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.ф.д., катта илмий ходим.

Н.Ю.Абдурахмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., катта илмий ходим.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD)диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда «дунёда минерал ўғитларга бўлган талаб 2016–2017 йилларда ўсиб бориб, 2018 йилда саноат тармоғининг минерал ўғитларга бўлган талаби 62 миллион тоннани ташкил этгани ҳолда, киритилган минерал ўғитлар ҳажми ҳар гектар экин майдонига N – 70 кг, P₂O₅ – 29 кг, K₂O – 24 кг дан тўғри келди. Жаҳон бозори ривожланиш динамикасини минтақавий жиҳатдан минерал ўғитларнинг энг йирик истеъмолчилари Хитой, Ҳиндистон, АҚШ ва Бразилиядир» ҳисобланади¹. Шу сабабли парваришланадиган қишлоқ хўжалиги экинларидан экологик тоза, мўл ва сифатли маҳсулот етиштиришда юқори ҳосил берадиган уруғчилик тизимини ташкил этиш ва уларнинг озика элементларига бўлган талабини илмий жиҳатдан доимий назорат қилиш долзарб ҳисобланади.

Дунёда қанд ишлаб чиқариш саноатининг асосий хом-ашёси бўлган қанд лавлаги етиштирувчи илғор давлатлар томонидан уни ҳосилдорлигини ошириш, илдизмева таркибидаги қанд миқдорини яхшилаш, бунинг учун унинг уруғчилигини тўғри ташкил этиш бўйича бир қатор устувор йўналишларда кенг қамровли илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, ўсимликни биологик хусусиятлари, тупроқ-иқлим шароитларини, тупроқни чиринди ҳамда бошқа озика моддалари билан таъминланганлигини ва ўғит хусусиятларини инобатга олган ҳолда минерал ўғитларнинг мақбул меъёри, қўллаш муддатларини ишлаб чиқиш, тупроқ озик муҳитини мақбуллаштириш, ўсимликни зарур кимёвий таркибини шакллантириш, ўсимлик озикланишини бошқаришга қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда мавжуд суғориладиган ерлардан самарали фойдаланишда минерал ўғитларни экинлар ҳосилдорлигини оширишдаги ўрни ва аҳамиятига қаратилган илмий-тадқиқотлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида «...тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда ўғитдан фойдаланишнинг самарали тизимини жорий этиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва янада ошириш чораларини кўриш»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Республикамиздаги мавжуд «Хоразм шакар» ва «Ангрен шакар» корхоналарини керакли хом-ашё билан таъминлашда қанд лавлагининг аҳамияти катта бўлиб, ҳозирда корхоналарда ишлатилаётган шакар қамишга нисбатан анча самарадорлидир. Шунинг учун ҳам Наманган вилояти суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида қанд лавлаги экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олишни таъминлайдиган минерал ўғитларнинг мақбул тизимини ишлаб чиқиш ва унинг уруғ ҳосилини олишда

¹ <https://www.fao.org>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ривожланиш фазаларининг аниқ муддатларида тупроқда экин талабига мос озиқа муҳитини яратиш орқали режалаштирилган ҳосил олиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2021 йил 26 февралдаги ПҚ-5009-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2021 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қанд лавлагидида ўғит қўллаб юқори ва сифатли уруғ ҳосили етиштириш бўйича хорижлик олимлар О.А.Минакова, Л.В.Александрова, Т.В.Бедловская, Н.М.Сапронов, А.С.Бердников, С.П.Кучеренко, Я.П.Цвей, В.М.Полевой, Л.Я.Лукашук, А.С.Жуковский, И.В.Ильющенко, М.Асади ҳамда республикамик олимларидан Б.Холиқов, И.Сулаймонов, Р.Курбонов, Х.Махсадов, П.Собиров ва бошқалар томонидан илмий-тадқиқотлар олиб борилган. Лекин, Наманган вилоятининг суғориладиган оч тусли бўз тупроқларида ўртаки сабзавотлар ҳосили йиғиштириб олинганидан кейин уруғлик олиш мақсадида қанд лавлаги уруғини август ойининг охирида экиш, ундан юқори ва сифатли уруғ ҳосили олиш учун ривожланиш фазаларига боғлиқ равишда тупроқ озиқ муҳитини шаклланиши ва ўсимликда озиқ элементлар тўпланиши ҳамда минерал ўғитлар қўллашнинг мақбул тизимини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар етарлича амалга оширилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг Б-3.17 рақамли (Биология кафедраси) «Наманган вилоятининг суғориладиган тупроқлари шароитида қишлоқ хўжалик экинлари учун минерал ўғитларнинг самарали меъёрларини ишлаб чиқиш» (2017-2021 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Наманган вилояти суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида қанд лавлагидан юқори ва сифатли уруғ ҳосили олишни таъминлайдиган мақбул ўғит қўллаш меъёрларини ҳамда ушбу меъёр фонида тупроқда ҳосил бўлган ҳаракатчан ($N-NO_3:P_2O_5:K_2O$) озиқа моддаларини ўсимлик, илдиз ва анғиз таркибидаги NPK миқдорларини аниқлаш асосида тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар шароитида минерал ўғитлар меъёрини тупроқдаги нитрат азоти, ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий динамикасига таъсирини аниқлаш;

минерал ўғитлар ҳар хил меъёрининг қанд лавлагини ўсиши-ривожланишига ҳамда қуруқ масса тўплашига таъсирини аниқлаш;

минерал ўғитлар ҳар хил меъёрини қўллашнинг қанд лавлаги ривожланиш фазаларида ўсимликнинг NPKни ўзлаштиришига таъсирини аниқлаш;

қанд лавлаги уруғ ҳосили сифатига минерал ўғит меъёрлари таъсирини аниқлаш;

қанд лавлаги уруғ ҳосили олиш учун қўлланилган минерал ўғитларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш;

қанд лавлаги уруғ ҳосили йиғиштириб олинганидан кейин далада қолган илдиз ва анғиз ҳамда уни таркибидаги NPK миқдорини аниқлаш;

қанд лавлагидан юқори ва сифатли уруғ ҳосили олишга қаратилган илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Наманган вилоятининг суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари, қанд лавлагининг «Рамонская односемянная - 47» нави, минерал ўғитлар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети минерал ўғит меъёрларининг таъсири, тупроқдаги ҳаракатчан озик моддалар динамикаси, қанд лавлагининг NPKни ўзлаштириши, уруғларнинг униб чиқиши, ўсимлик ўсиши ва қуруқ масса тўплаши, қанд лавлагинининг юқори ва сифатли уруғ ҳосил шакллантириши, ўсимлик қолдирган илдиз ва анғиз миқдори ва уни таркибидаги NPK ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари Дала ва ишлаб чиқариш тажрибалари «Методика полевого опыта» ва «Методика полевых опытов с хлопчатником» бўйича ўтказилган. Тупроқ ва ўсимлик намуналарини олиш ва уларнинг кимёвий таҳлили «Методы агрохимических анализов почв и растений Средней Азии» қўлланмаси асосида бажарилган ҳамда тажрибадан олинган маълумотларнинг дисперсион-статистик таҳлили «Microsoft Excel» дастури ёрдамида Б.А.Доспехов услуби бўйича бажарилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қанд лавлагининг оналик илдизмевасини совуқда нобуд (96% сақлаб қолинган) бўлмаслигига қаратилган инновацион агротехнология (чуқур культивация қилиб оналик илдизмевани устини ёпиш) ишлаб чиқилган;

суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар шароитида минерал ўғитларни $N_{200}P_{150}K_{200}$ кг/га меъёрларда қўлланилиши натижасида қанд лавлаги уруғининг унувчанлиги 94 фоизга етиши илмий асосланган;

қанд лавлагини шоналаш фазасида тупроқ таркибида озика элементлар азот – 14,3 мг/кг, фосфор – 27,4 мг/кг, калий – 240 мг/кг бўлганда юқори уруғ олиниши исботланган;

қанд лавлаги уруғини пишиб етилиш фазасида ўсимлик таркибида озика элементлар миқдори N-158,2 кг/га: P-116,8 кг/га: K-153,4 кг/га (1:0,7:0,9

нисбатда) бўлса 24 фоиз юқори ҳосил шаклланишга имкон яратилиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Наманган вилояти суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида $N_{200}P_{150}K_{200}$ кг/га ўғит фониди қанд лавлагининг «Рамонская односемянная-47» навидан юқори 9,3 ц/га уруғ ҳосили олинган;

Шу ўғит фониди етиштирилган уруғлар унувчанлиги 94% ни ташкил этиб, энг юқори унувчан уруғлар (8,9 ц/га), 1000 дона уруғ оғирлиги 39 г. бўлишига эришилган;

қанд лавлагидан уруғ ҳосили олиш учун «Қанд лавлагидан уруғлик олишнинг инновацион агротехнологияларида минерал ўғитларнинг самарадорлиги» бўйича фермер ва дехқон хўжаликлари учун тавсиянома ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда олинган маълумотлар дисперсион-статистик таҳлил қилинганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, натижалар ишлаб чиқаришда қўлланилганлиги, олинган натижа ва хулосалар асосланганлиги, дала тажрибалари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги қошидаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази олимлари томонидан апробациядан ўтказилганлиги, тадқиқот натижалари халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, натижаларининг халқаро ва республика илмий анжуманларида муҳокама қилинганлиги шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларида чоп этилганлиги натижаларнинг ишончлигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар шароитида қанд лавлагидан юқори ва сифатли уруғ ҳосили етиштиришда оналик илдизмевани совуқда нобуд (96% сақлаб қолинган) бўлмасликка қаратилган инновацион агротехнология (чуқур культивация қилиб оналик илдизмевани устини ёпиш) ва минерал ўғитлар қўллашнинг мақбул тизими ишлаб чиқилган. Ушбу мақбул меъёردа қанд лавлагини шоналаш фазасида тупроқда азот – 14,3 мг/кг, фосфор – 27,4 мг/кг, калий – 240 мг/кг бўлганлиги, ўсимлик уруғининг пишиб етилиш фазасида таркибида озика элементлар миқдори $N-158,2$ кг/га: $P-116,8$ кг/га: $K-153,4$ кг/га (1:0,7:0,9 нисбатда) бўлишига сабаб бўлган. Натижада, 24 фоиз юқори ҳосил шаклланишга, тупроқда илдиз ва анғиз қолдиқлари (2,76 т/га) ҳамда улар таркибидаги озика моддалари миқдори ортиши ($N-193,2$ кг/га; $P-110,4$ кг/га; $K-165,6$ кг/га) асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қанд лавлагидан юқори (9,3 ц/га) ва сифатли (94% унувчан, 1000 дона уруғ вазни 39 гр) уруғ ҳосили олиш учун оналик илдизмевани қишдан олиб чиқишда чуқур культивация қилиш ҳамда минерал ўғитлар меъёрини $N_{200}P_{150}K_{200}$ кг/га қилиб белгилаш, Наманган вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида самарали ўғит қўллашга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қанд лавлагининг уруғ ҳосили сифатини оширишда минерал ўғитларнинг аҳамияти бўйича олинган илмий натижалари асосида:

«Қанд лавлагидан уруғлик олишнинг инновацион агротехнологияларида минерал ўғитларнинг самарадорлиги» номли тавсиянома ишлаб чиқилиб Наманган вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармасида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлигининг 2021 йил 9 сентябрдаги №02/025-3742-сонли маълумотномаси). Натижада, ушбу тавсиянома вилоятдаги фермер ва деҳқон хўжаликларида минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш орқали қанд лавлагидан сифатли уруғлик олишда қўлланма сифатида хизмат қилган;

суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар шароитида парваришланадиган қанд лавлагидан юқори уруғ ҳосилини шакллантиришда минерал ўғитларнинг мақбул ($N_{200}P_{150}K_{200}$) меъёрлари Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманидаги «Боғи оқибат» фермер хўжалигининг 2,1 га, «Давронбек Шоядбек» фермер хўжалигининг 2,6 га, «Олимобод» фермер хўжалигининг 1,4 га майдонларида ва Чортоқ туманидаги «Жамшид Иброхим Шохжахон» фермер хўжалигининг 1,5 га, «Олимжон Абдуғани Абдували» фермер хўжалигининг 1,8 га, «Пахлавон Рустам Сатимбой» фермер хўжалигининг 1,2 га, «Бувабой Робахон файзи» фермер хўжалигининг 1,4 га, жами 12 га майдонларида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлигининг 2021 йил 9 сентябрдаги №02/025-3742-сонли маълумотномаси). Натижада, қанд лавлагининг уруғ ҳосили учун минерал ўғитлар меъёрларини тўғри белгиланиши ҳисобига хўжаликда олинаётган ҳосилга нисбатан гектарига 2,1 ц/га қўшимча ҳосил олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари жами 4 та, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, 1 та тавсиянома, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шундан 1 таси хорижий ва 3 таси республика журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, 7 боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий ҳажми 120 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва асосланганлиги, тадқиқотнинг республика фан ҳамда технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи келтирилганлиги, муаммонинг ўрганилганлик


даражаси, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларнинг ишончлилиги ва жорий этилганлиги, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, диссертациянинг ҳажми ва таркиби баён этилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича хориж ва республика олимларининг ушбу мавзуда олиб борган илмий-тадқиқотлари ва адабиётлар манбалари шарҳланган. Бинобарин, қанд лавлагини экиш усуллари, минерал ўғитлар меъёрларига мос равишда экинларни ўсиш-ривожланиши, ҳосилдорлиги, ҳосил сифатидаги ўзгаришлар, тупроққа бўладиган таъсирлари бўйича маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг «**Тажриба ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари, тажриба ўтказиш услублари**» деб номланган иккинчи бобида ишлаб чиқилган мавзу бўйича дала тажрибалари олиб борилган жойнинг тупроқ-иқлим шароити тавсифланган. Ушбу бобнинг «Тажриба ўтказиш услублари» бўлимида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан тажриба ўтказиш услуби, дала тажрибасини олиб бориш тизими, тажрибада ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиши, куруқ модда ва ҳосилни шаклланиши, тупроққа бўлган таъсирини ўрганиш бўйича фенологик кузатувлар ва биометрик ҳисоблар, лаборатория таҳлиллари, шунингдек, тажриба маълумотларига математик-статистик ишлов бериш тартиби баён этилган.


Диссертациянинг «**Қанд лавлагидан уруғ ҳосили олишда минерал ўғитлар меъёрларини тупроқдаги озика моддаларининг ҳаракатчан шакллари миқдорига таъсири**» деб номланган учинчи бобининг «Нитратли азот динамикаси» бўлимида қанд лавлагидан уруғ ҳосили олиш учун режалаштирган минерал ўғитлардан фосфор ва калийни 100% ҳайдов остига солиш, азотли ўғитларни эса 50 фоизини биринчи йили оналик илдизмевани ўсиш-ривожланишида ва 50 фоизини ўсимликни генератив органларини шаклланишида солиш мақсадга мувофиқлиги келтирилган. Оналик илдизмевани биринчи йили ўсиб ривожланиши учун берилган минерал ўғитларни нитратли азот миқдорига таъсирини (2017 йил октябрь, ноябрь ойларида) ўрганилди. Умуман минерал ўғит ва азотли ўғит берилмаган вариантларда тупроқнинг 0-30 см қатламида нитратли азот миқдори бир хил 16,2 мг/кг бўлса, кейинги ойларда бу кўрсаткич мос равишда 0,1 ва 0,3 мг/кг га камайган. Азотли ўғит меъёрини 100; 150 ва 200 кг/га қилиб берилган 3-4 ва 5-вариантларда тупроқнинг 0-30 см қатламида нитратли азот миқдори октябрь ойига нисбатан ноябрда бир хил 0,3 мг/кгга камайган.

Тажрибанинг кейинги йилида (2018-2019 йй.) ҳам тупроқдаги нитратли азот миқдори ($P_{150}K_{200}$ кг/га ўғит фонида) 100, 150 ва 200 кг/га меъёрда азотли ўғитлар берилиши билан тупроқнинг 0-70 см қатламида мос равишда 16,3 дан 15,7 гача, 16,6 дан 16,5 гача ва 17,1 дан 17,0 мг/кг гача камайиб борган (1-расм).



1-расм: Минерал ўғитлар меъёрларини тупроқдаги нитратли азот динамикасига таъсири, мг/кг ҳисобида, 2019-2020 йй., А-0-30 см қатламда; Б-0-70 см қатламда.

Диссертация учинчи бобининг «Ҳаракатчан фосфор динамикаси» номли бўлимида тажриба олиб бориш давомида тупроқдаги ҳаракатчан фосфор меъёрини ўрганиш натижалари келтирилган (2-расм). Тажрибанинг биринчи йили олинган маълумотларига кўра, оналик илдизмава шаклланаётган даврда тупроқдан ҳаракатчан фосфорни кўп миқдорда ўзлаштирилганлиги аниқланган. Минерал ўғитлар ва фосфорли ўғит ($N_{200}K_{200}$ кг/га ўғит фонида) берилмаган вариантларда тупроқнинг 0-30 см қатламида бир хил 26,9 мг/кг, фосфорли ўғитларни турли меъёрда берилганига қарамасдан май ва июнь ойларда тупроқдаги ҳаракатчан фосфор 1-вариантда 0-30 см да бир хил 0,3 мг/кг га, 0-70 см да эса 0,2 ҳамда 0,3 мг/кг га, $N_{200}K_{200}$ кг/га ўғит фонида фосфорни 100, 150 ва 200 қилиб берилган вариантларнинг (0-30 см) 0,3 ва (0-70 см) да 0,2 мг/кг миқдорда камайган.




2-расм: Минерал ўғитлар меъёрларини тупроқнинг ҳаракатчан фосфор динамикасига таъсири, мг/кг ҳис., А-0-30 см қатламида, 2017-2018 йй. Б-0-70 см қатламида, 2019-2020 йй.

Диссертация учинчи бобининг «Алмашинувчи калий динамикаси» бўлимида қуйидагилар баён қилинган: Тупроқнинг қанд лавлаги вегетациясининг дастлабки ойида тупроқнинг 0-30 см қатламида минерал ўғитлар берилмаган назорат вариантыда 270 мг/кг, $N_{200}P_{150}$ кг/га ўғит фонида калий берилмаган 10-вариантда 263 мг/кг ни ташкил қилган. Юқоридаги ўғит фонида 100, 150 ва 200 кг/га берилган вариантларда мос равишда 270, 280 ва 306 мг/кгни ташкил этган. Калийли ўғитлар турли меъёрда берилган

вариантларда (0-30 см) алмашинувчи калий миқдори ўсимликнинг охириги фазасида ҳам сезиларли фарқ билан камайган. Гектарига 100 кг калий берилган 11-вариантда апрель-июнь ойларида 18 мг/кг, 150 кг/га берилганида 17 мг/кг га, 200 кг/га калий берилганида эса бу 22 мг/кг га камайганлигини кўришимиз мумкин.

Диссертациянинг учинчи бобининг «Минерал ўғитлар меъёрлари билан қанд лавлагини тупроқдаги озика моддаларини ўзлаштириши орасидаги корреляцион боғлиқлик» бўлимида ўсимлик вегетациясининг дастлабки фазасидан охиригисига қараб азотни ўзлаштириши ортиб борган. Фақат июнь ойида барг ва илдизмевада азот миқдори олдингидан биров камайганлигини ва аксинча, генератив органларда у икки ва ундан ортиқ баробарга ортганлигини (69,0-158,2 кг/га оралиғида бўлган) қузатилган.



3-расм: Минерал ўғитлар меъёрларини тупроқнинг алмашинувчи калий динамикасига таъсири, мг/кг ҳис., А-0-30 см қатламидаги 2018-2019 йй., Б-0-70 см қатламидаги, 2019-2020 йй.

Тажрибанинг иккинчи йили (2018-2019 йй.) ҳам июнь ойида азотли ўғитлар меъёри ўрганилаётган вариантларда битта ўсимликдаги азот миқдори 70,5-161,1 кг/га тўғри келган. Фосфорли ўғитларни энг юқори меъёри бошқа ўғитлар билан бирга (N₂₀₀P₁₅₀K₂₀₀) берилганида ўсимликни тупроқдан азотни ўзлаштириши камайганлиги аниқланди. Қанд лавлагидан уруғ олиш учун N₂₀₀P₁₅₀K₂₀₀ кг/га меъёрда минерал ўғит қўллаш билан ўсимлик тупроқдан уч йилда ўртача 158,2 кг/га азотни ўзлаштирган.

Изланишларнинг биринчи йили июнь ойида азотни миқдори 61,0-115,2 кг/га га тўғри келган. Фосфорли минерал ўғитлар 200 кг/га меъёрда қўлланилганда ўсимлик таркибида фосфор кам 79,0 кг/га бўлган. Изланишларнинг кейинги иккинчи йили ўсимлик таркибидаги фосфор миқдори 63,3-116,9 кг/га етган. Қанд лавлаги вегетациясининг иккинчи йили апрель, май ва июнь ойларида ўсимликдаги фосфор миқдори вариантлар бўйича мос равишда 15,7-26,1, 48,7-74,5 ва 61,5-118,3 кг/га га тўғри келган.

Тажрибанинг биринчи йили июнь ойида вариантлар бўйича 71,4-152,3 кг/га оралиғида калийни ўзлаштирган. Қанд лавлаги вегетацияси охирида, уруғ пишиб етилишидан олдин минерал ўғитлар ва калийли ўғитлар берилмаганда 73,8; 94,9 кг/га ни, шу ўғит фониди гектарига 100, 150 ва 200 кг калий ўғити солинганида мос ҳолда 113,0; 131,3 ҳамда 153,5 мг/кг

калий ўзлаштириб, энг юқори бўлган вариантда ўсимликни фойдаланиш даражаси 76,7% ни ташкил этган

Минерал ўғитлар қўлланилмаган назорат вариантда қанд лавлагидан 1 ц/га уруғ ҳосили олиш учун 9,5 кг азот, 8,5 кг фосфор ва 10,0 кг калий сарфлаб, азотга нисбатан 1:0,9:1,1 нисбатни ташкил этган (1-жадвал). Азотли ўғит берилмаган ($P_{150}K_{200}$ кг/га ўғит фонида) вариантда 1:0,9:1,1 нисбатда, азотли ўғитларни 100, 150 ва 200 кг/га қилиб берилганида мос равишда 1:0,8:1, 1:0,8:1,1 ва 1:0,7:0,9 нисбатларни ташкил этган. Фосфорли ўғитлар меъёрлари ўрганилаётган вариантларда эса бу қуйидагича бўлган. Фосфорсиз ($N_{200}K_{200}$ кг/га ўғит фонида) ва шу ўғит фонида 100 кг/га фосфорли ўғит берилганида бир хил 1:0,5:0,9; 150 ва 200 кг/га фосфор ишлатилганда 1:0,7:0,9 ҳамда 1:0,7:1 нисбатни ташкил этган. Шу жумладан, калийли минерал ўғитлар меъёрлари ўрганилаётганда калий ўғити берилмаганда ($N_{200}P_{150}$ кг/га ўғит фонида) 1:0,8:1 нисбатда, калийли ўғит меъёри 100 ҳамда 150 кг/га бўлганида бир хил 1:0,8:0,9; 200 кг/га калийли ўғит бериш билан 1:0,7:0,9 нисбатга тўғри келганлиги аниқланган.

1-жадвал

Қанд лавлагига қўлланилган минерал ўғит меъёрларини озиқа моддаларни ўзлаштиришига таъсири, кг/га ҳисобида, (ўртача 2017-2020 йй).


| Вар. | Қанд лавлаги уруғ ҳосили, ц/га | Ўзлаштирган озиқа элементи микдори | | | 1 ц уруғ ҳосили учун сарфланган озиқа моддалар, кг ҳисобида | | | Минерал ўғитларни ўзлаштириш нисбатлари, азотга нисбатан |
|------|--------------------------------|------------------------------------|-------|-------|---|------|------|--|
| | | N | P | K | N | P | K | |
| 1 | 7,3 | 69,7 | 61,9 | 73,1 | 9,5 | 8,5 | 10,0 | 1:0,9:1,1 |
| 2 | 7,8 | 87,2 | 78,3 | 98,7 | 11,2 | 10,0 | 12,7 | 1:0,9:1,1 |
| 3 | 8,2 | 109,1 | 84,9 | 112,9 | 13,3 | 10,4 | 13,8 | 1:0,8:1 |
| 4 | 8,6 | 126,7 | 99,5 | 136,4 | 14,7 | 11,6 | 15,9 | 1:0,8:1,1 |
| 5 | 9,3 | 158,2 | 116,8 | 153,4 | 17,2 | 12,6 | 16,5 | 1:0,7:0,9 |
| 6 | 8,1 | 139,9 | 66,3 | 105,3 | 17,3 | 8,2 | 13,0 | 1:0,5:0,9 |
| 7 | 8,7 | 146,9 | 80,2 | 129,7 | 16,9 | 9,2 | 14,9 | 1:0,5:0,9 |
| 8 | 9,3 | 158,2 | 116,8 | 153,4 | 17,2 | 12,6 | 16,5 | 1:0,7:0,9 |
| 9 | 9,0 | 145,4 | 96,9 | 145,0 | 16,2 | 10,8 | 16,1 | 1:0,7:1 |
| 10 | 8,0 | 100,4 | 84,3 | 95,3 | 12,6 | 10,5 | 12,0 | 1:0,8:1 |
| 11 | 8,4 | 128,8 | 96,8 | 112,9 | 15,3 | 11,5 | 13,4 | 1: 0,8: 0,9 |
| 12 | 8,8 | 139,0 | 105,8 | 132,2 | 15,8 | 12,0 | 15,0 | 1: 0,8: 0,9 |
| 13 | 9,3 | 158,2 | 116,8 | 153,4 | 17,2 | 12,6 | 16,5 | 1:0,7:0,9 |

Диссертациянинг «Минерал ўғитлар меъёрларини уруғлик қанд лавлагининг ўсиш-ривожланишига боғлиқлиги» деб номланган тўртинчи бобининг «Минерал ўғитлар меъёрларини оналик қанд лавлагининг униб чиқиши ва кўчат қалинлигига таъсири» бўлимида кечки сабзавотлардан бўшаган майдонларга экилган қанд лавлагининг униб чиқиши тажрибанинг барча вариантларида 10.09 куни (1-вариантдан ташқари) униб чиқиш бошланган ва 1-вариант билан 3-,5-,8-,11- ва 13-вариантларда униб чиқиш 12.09 да тугаган. Қолган 2-,4-,6-,7-,9-,10- ва 12-вариантларда униб чиқиш 13.09 кунда тугаган. Қанд лавлагини қишга киришдан олдин кеч кузда ҳақиқий кўчат қалинлиги 52400-53500 туп/га оралиғида бўлган. Эрта баҳорда эса 1-2-вариантларда кеч кузгига нисбатан бир хил 4,1 фоиз кўчатлар нобуд


бўлган. Калийли ўғитлар берилмаслиги ўсимталарни кўп нобуд бўлишига олиб келган (10-вар.) да 6,2 фоиз, улар ($N_{200}P_{150}$ кг/га фониди) 100 кг/га берилганда 5,6 фоиз ўсимлик нобуд бўлган.

Диссертациянинг кейинги «Қанд лавлагини ўсиш-ривожланиши ва илдизмевасини шаклига минерал ўғитлар меъёрларининг боғлиқлиги» бўлимида қанд лавлаги илдизмевасининг узунлиги ва диаметри, барглари сони, битта ўсимлик оғирлиги аниқланди.

Унга кўра, ўсимликни вегетацияси даврининг бошидан охирига қадар ортиб борган, минерал ўғитлар меъёрларига боғлиқ ҳолда вариантлар орасида фарқ бўлиши кузатилган. Октябрда ўсимликнинг умумий оғирлиги 38-64,9 г/ўсимлик, ноябрда умумий 101,5-171,3 г/ўсимлик бўлса, кейинги йили апрель ойидаги битта ўсимлик оғирлиги 178.1-421,0 г/ўсимлик бўлган. Қанд лавлагидан уруғлик олиш учун ўстирилган оналик илдизмевага минерал ўғитларни керакли миқдорда ($N_{200}P_{150}K_{200}$ кг/га) қилиб белгилаш уни энг юқори 421,0 г/ўсимлик бўлишини таъминлади (4-расм, А)



А



Б

4-расм: Қанд лавлагининг ўсиши-ривожланишига ва қуруқ модда тўпланишига минерал ўғитлар меъёрларининг таъсири, А- ўсиши-ривожланиши 2018-2019 йй, Б-қуруқ модда тўпланиши, 2017-2020 йиллар.

Диссертациянинг «Қанд лавлагидан уруғлик етиштиришда қуруқ модда тўплашига минерал ўғитлар меъёрларининг таъсири» бўлимида минерал ўғитлар ва азотли ўғитлар берилмаганда ($P_{150}K_{200}$ кг/га ўғит фониди) 24,0 ва 24,7 г/ўсимликни, фосфорли ($N_{200}K_{200}$ кг/га фонди, 6-вар.) ҳамда калийли ўғитлар берилмаганда ($N_{200}P_{150}$ кг/га) бир хил 24,5 г/ўсимликни ташкил этган (4-расм, Б). Энг юқори қуруқ модда $N_{200}P_{150}K_{200}$ кг/гадан минерал ўғит берилган вариантда 26,6 г/ўсимликни ташкил этган. Ноябрь ойида ўсимликдаги қуруқ модда миқдори вариантлар бўйича илдизмевада 36,4-40,1; баргида 23,6-26,6 г/ўсимлик ортган. Қанд лавлаги вегетациянинг иккинчи йили апрель ойида ўсимликнинг баргида 34,3-37,6 ва илдизмевада 52,9-71,6 г/ўсимлик, май ойида битта ўсимликдаги 73,0-90,6 г/ўсимликка тўғри келган. Ўсимликни июнь ойида қуруқ модда ҳосил бўлиши камайиб, 54,8-73,0 г/ўсимликни ташкил этган.

Диссертациянинг «Уруғлик учун экилган қанд лавлагини генератив органларини ва уруғлик ҳосилини шаклланишида минерал ўғитлар меъёрларининг ахамияти» деб номланган бешинчи бобининг «Минерал ўғитлар меъёрларини оналик қанд лавлагида генератив поялар сонига

таъсири» номли бўлимида қуйидаги маълумотлар ёритилган: Ўсимликда генератив шохларнинг ҳосил бўлишига қараб биринчи ва иккинчи тартиблиларга бўлинади (2-жадвал).

2-жадвал

Тажрибада минерал ўғитлар меъёрларига боғлиқ ҳолда қанд лавлагидда генератив органларнинг ҳосил бўлиши, дона ҳисобида, 2017-2018 йил

| Вариантлар | Минерал ўғитнинг йиллик меъёрлари, кг/га | | | май | | | | июнь | | | | | |
|------------|--|-----|-----|-------------------|--------|-------------------|--------|-------------------|---------|----------------------|-------------------|---------|----------------------|
| | | | | 1-тартибли шохлар | | 2-тартибли шохлар | | 1-тартибли шохлар | | | 2-тартибли шохлар | | |
| | N | P | K | шоналар | гуллар | шоналар | гуллар | гуллар | уруғлар | Уруғ ҳосил бўлиши, % | гуллар | уруғлар | Уруғ ҳосил бўлиши, % |
| 1 | - | - | - | 11 | 11 | 9 | 9 | 23 | 23 | 100 | 19 | 19 | 100 |
| 2 | - | 150 | 200 | 13 | 13 | 10 | 10 | 25 | 22 | 88 | 20 | 19 | 95 |
| 3 | 100 | 150 | 200 | 14 | 13 | 11 | 11 | 26 | 23 | 88 | 21 | 19 | 90 |
| 4 | 150 | 150 | 200 | 15 | 15 | 12 | 12 | 28 | 25 | 89 | 22 | 20 | 91 |
| 5 | 200 | 150 | 200 | 17 | 17 | 13 | 13 | 29 | 25 | 86 | 24 | 21 | 87 |
| 6 | 200 | - | 200 | 12 | 12 | 10 | 10 | 25 | 23 | 92 | 20 | 19 | 95 |
| 7 | 200 | 100 | 200 | 14 | 14 | 11 | 10 | 27 | 24 | 89 | 21 | 19 | 90 |
| 8 | 200 | 150 | 200 | 17 | 17 | 12 | 12 | 29 | 25 | 86 | 24 | 21 | 87 |
| 9 | 200 | 200 | 200 | 15 | 15 | 13 | 13 | 28 | 25 | 89 | 23 | 21 | 91 |
| 10 | 200 | 150 | - | 12 | 12 | 12 | 12 | 24 | 21 | 87 | 20 | 18 | 90 |
| 11 | 200 | 150 | 100 | 14 | 14 | 11 | 10 | 25 | 23 | 92 | 21 | 19 | 90 |
| 12 | 200 | 150 | 150 | 16 | 16 | 12 | 12 | 27 | 24 | 89 | 23 | 21 | 91 |
| 13 | 200 | 150 | 200 | 17 | 17 | 13 | 13 | 29 | 25 | 86 | 24 | 21 | 87 |

Эслатма: тажрибада қанд лавлаги генератив органларини иккинчи йили ҳосил қилади, шунга 2018 йил ойлари берилган

Минерал ва азотли ўғитлар берилмаган вариантлардаги ўсимликларнинг 1-тартибли шохларида шоналарнинг ўртача сони май ойида 22 ҳамда 24 донани ташкил этди. Азотли ўғитларни 100, 150 ва 200 кг/га қилиб белгилаш билан шоналар сони мос равишда 26, 27 ҳамда 28 донаданни ташкил этган. Фосфорли ўғитлар берилмаганда ($N_{200}K_{200}$ кг/га ўғит фониди) 24 донани, фосфорли ўғитни 100, 150, 200 кг/га миқдорда қўлланилганда эса 25, 28, 28 донани ҳосил қилди. Шунингдек, калийли ўғитларни турли меъёрда берилиши ($N_{200}P_{150}$ кг/га ўғит фониди 0, 100, 150, 200 кг/га) шоналар сонини мос ҳолатда 24, 26, 26 ва 28 донадан бўлишини таъминлади. Тажрибанинг июнь ойида гуллар сони вариантлар бўйича жами 46-52 дона оралиғида ва улардан ҳосил бўлган уруғлар сони эса 39-45 донага тўғри келган.

Минерал ўғитлар меъёрини ортиши гуллар сонини ортишига ва улардан уруғларни ҳосил бўлишини камайишига олиб келди. Минерал ўғитлар умуман берилмаганда 1-тартибли шохларда 25 та гуллар шаклланган бўлиб, шуларни 100 фоиз уруғ ҳосил қилган бўлса, 2-тартибли шохларда 21 дона гуллар ҳосил бўлиб, шундан 20 та уруғ шаклланган ва у 96 фоиз ни ташкил этган. Азотли минерал ўғитлар берилмаган ($P_{150}K_{200}$ кг/га ўғит фониди) 2-вариантда гуллардан уруғларни шаклланиши 1-тартиблиларда 96 фоиз,

2-тартиблиларда эса 91 фоиз ни ташкил этган. Шунингдек, минерал ўғитлар меъёрлари $N_{200}P_{150}K_{200}$ кг/га бўлган вариантларда шохлар бўйича мос равишда 91 ва 85 фоизни ташкил этган. Ўсимлик гулларидан уруғларни ҳосил бўлиш фоизи кам бўлишига қарамасдан гуллар сонининг кўплиги уруғ ҳосилини юқори бўлишини таъминлайди.

Ўсимликлардаги 1-тартибли шохларда уруғларнинг шаклланиши вариантлар бўйича 90-96 фоизни ташкил этган бўлса, 2-тартиблиларда бу анча юқори 92-100 фоизни ташкил этган. Бу вақтда гуллар сонидан олдинги йилгидан деярли фарқи йўқ. Аммо, уруғларни шаклланишида олдинги йилгига қараганда 1-тартибли шохларда нисбатан паст бўлгани ҳолда 2-тартибли шохларда эса уруғлар нисбатан кўпроқ ҳосил бўлган. Ўсимликдаги гуллар сони юқори бўлган, $N_{200}P_{150}K_{200}$ кг/га ўғит берилган вариантда эса бу 91 фоиз га тўғри келган.

Диссертация бешинчи бобининг «Минерал ўғитлар меъёрлари ва қанд лавлаги уруғ ҳосили орасидаги боғлиқлик» номли бўлимида қуйидагилар ёритилган. Олинган маълумотларга (3-жадвал) кўра, қанд лавлагини уруғ ҳосилдорлиги минерал ўғитларга боғлиқ ҳолда ортиб борган. Тажрибада қанд лавлагининг ўртача уруғ ҳосилдорлиги минерал ўғитлар умуман қўлланилмаганда 7,3 ц/гани ташкил этган. Азотли ўғитлар меъёрлари ўрганилаётган 2-вариантда ($P_{150}K_{200}$ кг/га ўғит фонидан) бу ўртача 7,8 ц/гани ташкил этган. Азотли ўғитлар меъёри 100 кг/га қилиб берилганида ҳосилдорлик 8,2 ц/гани ташкил этган. Азотни меъёри 150 ва 200 кг/га миқдорда қўлланганда мос равишда 8,6 ҳамда 9,3 ц/га ҳосил олиниб, назоратдан 1,3; 2,0 ц/га, асос (2-вариант) дан 0,8; 1,5 ц/га кўшимча ҳосил олинган.

Фосфорли ўғит меъёри 200 кг/га қилиб белгиланганда ҳосилдорлик 150 кг/га қилиб белгиланганга нисбатан камайганлигини кўришимиз мумкин. Бу тўпланган маълумотлар Доспехов услуби бўйича математик таҳлил қилинганда ҳам уларни ишонарли эканлиги тасдиқланди.

Диссертация бешинчи бобининг «Қанд лавлаги уруғининг унувчанлигига минерал ўғитлар меъёрларининг таъсири» номли бўлимида қанд лавлагига минерал ўғитлар умуман берилмаган 1-вариантда, минерал ўғитлардан биттаси берилмаган 2- ($P_{150}K_{200}$ кг/га), 6- ($N_{200}K_{200}$ кг/га) ҳамда $N_{200}P_{150}$ кг/га 10-вариантларда 100 кг/га калийли ўғит берилган 11-вариантларда бир хил энг юқори 98 фоиз унувчан уруғлар етиштирилган. Минерал ўғитлар тўлиқ аммо, турли меъёрларда берилганда етиштирилган уруғлар унувчанлиги 96-97 фоизни ташкил этган. Уруғ ҳосилини минерал ўғитлар ҳисобига ортиши, бир гектар ердан йиғиб олинадиган унувчан уруғлар миқдорини ҳам юқори бўлишини таъминлаган. Минерал ўғитлар меъёрларини $N_{200}P_{150}K_{200}$ кг/га бўлганида қанд лавлаги уруғ ҳосили энг юқори 9,3 ц/га ва уруғлар унувчанлиги энг паст 96 фоиз бўлган бўлсада, бир гектар ердан йиғиб олинадиган унувчан уруғлар ҳам бошқа вариантларга қараганда юқори 8,9 ц/га бўлишига эришилган. Тажрибада минерал ўғитларни $N_{200}P_{150}K_{200}$ кг/га меъёрда берилиши 1000 дона уруғни 39 г ва 1000 дона уруғ оғирлигини 39 г бўлишига олиб келди.

Тажрибада қайтариқлар бўйича қанд лавлагининг уруғ ҳосили, уч йиллик ўртача, 2018-2020 йй.

| вариант лар | йиллар | | | ўртача | Назоратд ан фарқи | Асосда н фарқи |
|----------------|---|--|--|--------|----------------------|----------------------|
| | 2018 | 2019 | 2020 | | | |
| 1 | 7,4 | 7,2 | 7,4 | 7,3 | - | - |
| 2 | 7,9 | 7,8 | 7,8 | 7,8 | +0,5 | - |
| 3 | 8,3 | 8,2 | 8,2 | 8,2 | +0,9 | +0,4 |
| 4 | 8,7 | 8,5 | 8,7 | 8,6 | +1,3 | +0,8 |
| 5 | 9,5 | 9,2 | 9,3 | 9,3 | +2,0 | +1,5 |
| | НСР ₀₅ =0,08ц/га; НСР ₀₅ =0,95% | НСР ₀₅ =0,13ц/га; НСР ₀₅ =1,54% | НСР ₀₅ =0,28ц/га; НСР ₀₅ =3,35% | | | |
| 6 | 8,2 | 8,1 | 8,1 | 8,1 | +0,8 | - |
| 7 | 8,8 | 8,6 | 8,8 | 8,7 | +1,4 | +0,6 |
| 8 | 9,5 | 9,2 | 9,3 | 9,3 | +2,0 | +1,2 |
| 9 | 9,2 | 8,9 | 9,0 | 9,0 | +1,7 | +0,9 |
| | НСР ₀₅ =2,80ц/га; НСР ₀₅ =3,16% | НСР ₀₅ =0,12ц/га; НСР ₀₅ =1,44% | НСР ₀₅ =0,24ц/га; НСР ₀₅ =2,83% | | | |
| 10 | 8,2 | 8,0 | 8,0 | 8,0 | +0,7 | - |
| 11 | 8,5 | 8,3 | 8,5 | 8,4 | +1,1 | +0,4 |
| 12 | 8,9 | 8,7 | 8,8 | 8,8 | +1,5 | +0,8 |
| 13 | 9,5 | 9,2 | 9,3 | 9,3 | +2,0 | +1,3 |
| | НСР ₀₅ =0,41ц/га; НСР ₀₅ = 4,86% | НСР ₀₅ =0,22ц/га; НСР ₀₅ =2,68% | НСР ₀₅ =0,23ц/га; НСР ₀₅ =2,67% | | | |

Диссертация бешинчи бобининг «Қанд лавлагидан уруғ олиш учун қўлланилган минерал ўғитлар меъёрларини иқтисодий самарадорлиги» номли бўлимида тажриба итисодий томондан таҳлил қилинади. Маҳсулотни дастлабки харид баҳоси 132800 сўмни ташкил қилди. Тажрибада олинган ҳосилни сотишдан келган даромад вариантлар бўйича 96,9-123,5 млн. сўм оралиғида бўлди. Тажриба вариантлари бўйича ўғитларни ва уларни солиш учун қилинган харажатлар 10,1-19,58 млн сўм, эксплуатация харажатлари бир хил 10,1 млн сўм, ёнилғи мойлаш материаллари учун бир хил 15,4 млн сўмни ва қилинган жами харажатлар вариантлар бўйича 61,5-74,3 млн сўм оралиғида бўлган. Тажрибада олинган соф фойда 35,5-49,2 млн сўмни, рентабеллик даражаси 56,0-66,2 фоиз оралиғида бўлиб, энг юқори N₂₀₀P₁₅₀K₂₀₀ кг/га минерал ўғит берилганда 66,2 фоиз бўлган.

Диссертациянинг «Уруғ олиш учун экилган қанд лавлагини тупроқда қолдирган анғиз, илдиз қолдиқлари ҳажми ва улар таркибидаги озика моддалар миқдори» деб номланган олтинчи бобидаги «Қанд лавлагини тупроқда қолдирган анғиз, илдиз қолдиқлари миқдори» бўлимида тажриба ўсимликларнинг амал даври охирида ҳар бир вариант бўйича далада экинлар тупроқда қолдирган илдиз-анғиз миқдорларини аниқланди. (4-жадвал). Минерал ўғитлар меъёрларига боғлиқ ҳолда тупроқнинг 0-50 см қатламида илдиз-анғиз миқдорлари вариантлар бўйича 1,96-2,76 т/гани ташкил этган. Азотли ўғитлар меъёрининг 100, 150 ва 200 кг/га бўлиши илдиз ва анғиз миқдори мос ҳолда 2,31; 2,60 ҳамда 2,76 т/га бўлганлиги кузатилди. Фосфорли ўғитлар меъёрини ҳам худди шундай 100, 150 ва 200 кг/га миқдорда қўлланилган вариантларда ҳам мос равишда 2,41 т/га; 2,76 т/га; 2,61 т/га бўлган.

**Қанд лавлагидан уруғ ҳосили олишда қўлланилган ўғитлар
меъёрларига боғлиқ ҳолда тупроқда қолдирган илдиз ва анғизлар,
ўртача 2018-2020 йй.**

| Вар. | Минерал ўғитларнинг йиллик меъёри, кг/га | | | Илдиз қолдиғи, т/га | Анғиз қолдиғи, т/га | Умумий илдиз-анғиз қолдиғи, т/га |
|------|--|-----|-----|---------------------|---------------------|----------------------------------|
| | N | P | K | | | |
| 1 | - | - | - | 0,89 | 1,07 | 1,96 |
| 2 | - | 150 | 200 | 0,98 | 1,12 | 2,10 |
| 3 | 100 | 150 | 200 | 1,13 | 1,19 | 2,31 |
| 4 | 150 | 150 | 200 | 1,28 | 1,32 | 2,60 |
| 5 | 200 | 150 | 200 | 1,35 | 1,41 | 2,76 |
| 6 | 200 | - | 200 | 1,07 | 1,23 | 2,30 |
| 7 | 200 | 100 | 200 | 1,12 | 1,29 | 2,41 |
| 8 | 200 | 150 | 200 | 1,35 | 1,41 | 2,76 |
| 9 | 200 | 200 | 200 | 1,26 | 1,35 | 2,61 |
| 10 | 200 | 150 | - | 0,95 | 1,01 | 1,96 |
| 11 | 200 | 150 | 100 | 1,02 | 1,16 | 2,18 |
| 12 | 200 | 150 | 150 | 1,23 | 1,28 | 2,51 |
| 13 | 200 | 150 | 200 | 1,35 | 1,41 | 2,76 |

Калийли ўғитларни 100; 150 ва 200 кг/га берилганида эса 2,18; 2,51 ва 2,76 т/га илдиз ва анғиз қолган. Минерал ўғитлар меъёрини $N_{200}P_{150}K_{200}$ кг/га қилиб олиш тупроқда 2,76 т/га миқдорда илдиз ва анғиз қолишига олиб келди.

Диссертация олтинчи бобининг «Тупроқда қолган илдиз ва анғизларнинг таркибидаги озика моддалари миқдорлари» номли бўлимида тупроқда қолган илдиз ва анғиз қолдиқлари таркиби аниқланди. Ўсимликни тажриба вариантлари бўйича қолдирган илдиз ва анғизи таркибидаги озика моддалари миқдори ўрганилганда, минерал ўғитлар умуман қўлланилмаган вариантда ўсимлик қолдиқлари таркибида 98,0 кг азот, 39,2 кг фосфор ва 58,8 кг калий биологик озика моддалар қолган. Азотли ўғитлар меъёри ўрганилаётган 2-, 3-, 4- ва 5-вариантларда ўсимлик қолдиқлари билан 105,0 кг/га; 138,6 кг/га; 156,0 кг/га ва 193,2 кг/га биологик азот қолган. Ўсимлик қолдиқлари таркибидаги фосфор меъёрини аниқлаганимизда унинг миқдори бошқа моддаларга (азот ва калий) нисбатан анча камлиги билан аниқланди. Фосфорли ўғитларни 100, 150 ва 200 кг/га меъёрда берилиши билан ўсимлик қолдиқлари таркибида мос равишда 72,3 кг/га, 110,4 кг/га ва 130,5 кг/га фосфор қолган. Ўсимликнинг қолдирган илдиз ва анғиз таркибидаги калий миқдорини назорат ва калий қўлланилмаган вариантларда бир хил 58,8 кг/га миқдорда бўлган.

Калий меъёрини ($N_{200}P_{150}$ кг/га ўғит фониди) 100 кг/га ўғит берилганида 87,2 кг/га, 150 кг/га калийли ўғит берилганида 125,5 кг/га ва 200 кг/га калий берилганида эса 165,6 кг/га миқдорда ўсимлик қолдиқларида калий бўлган.

Қанд лавлагидан уруғ ҳосили олиш учун $N_{200}P_{150}K_{200}$ кг/га меъёрда минерал ўғитлар солинганда ўсимликни илдиз ва анғизи таркибидаги азот 193,2 кг/га, фосфор 110,4 кг/га ва калий 165,6 кг/га миқдорда бўлишига олиб келди.

ХУЛОСАЛАР

1. Суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар шароитида парваришланган қанд лавлагига $N_{200}P_{150}K_{200}$ кг/га меъёрларда минерал ўғитларни қўлланилиши унинг ўсиб-ривожланишига (423,7 г/ўсимлик), уруғ ҳосилига (9,3 ц/га) ва унувчан уруғлар миқдори (8,9 ц/га) ижобий таъсир қилган.

2. Қанд лавлагининг вегетациеси давомида тупроқнинг 0-70 см қатламида нитратли азот динамикаси азотли ўғитлар қўлланмаган ва қўлланилган вариантларда турлича бўлган. Азотли ўғит ишлатилмаганда нитратли азотнинг миқдори амал даврининг бошидан охиригача (14,4 дан 13,5 мг/кг га) камайиб борган. Азотли ўғитлар қўлланилган вариантларда уларни қўлланилиши ва тупроқдаги турли жараёнлар таъсирида нитратли азотнинг миқдорлари ўзгариб турган. Азотли ўғитлар меъёрини 150 ва 200 кг/га қилиб белгиланганда тупроқдаги нитратли азот миқдори ўсимликни ўсиш-ривожланишига боғлиқ ҳолда камайиб борган, аммо, апрель ойи охирида азотли ўғит билан озиклантирилганлиги сабабли май ойидаги кузатишда 4-вариантда 16,4 дан 16,5 мг/кг га, 5-вариантда 16,9 мг/кгдан 17,1 мг/кг га ортиб, июнь ойида яна камайиб 4-вариантда 16,3 мг/кг, 5-вариантда 16,8 мг/кг ни ташкил этган.

3. Ҳаракатчан фосфорни тупроқ ҳайдов қатламидаги динамикаси турлича бўлиши билан бирга қанд лавлагини амал даврининг охирида олдинги ойлардагига нисбатан унинг миқдори куйидагича ўзгарган: минерал ўғитлар умуман берилмаган ва $N_{200}K_{200}$ ўғит фонида фосфорли ўғитлар берилмаган вариантларда бир хил 0,3 мг/кг дан камайган, юқоридаги ўғит фонида 100 кг/га фосфорли ўғит берилганида 0,4 мг/кг га, фосфорни меъёрини 150 кг/га миқдорда берилганда 0,6 мг/кг, 200 кг/га фосфорли ўғит берилганида 0,4 мг/кг га камайиши кузатилди.

4. Азотли-фосфорли ўғитлар билан биргаликда калийли ўғитларни турли миқдорда берилишига қарамасдан алмашинувчи калийнинг тупроқнинг 0-30 см қатламидаги миқдори амал даврининг бошидан охиригача камайиб борган. Ҳаттоки, гектарига 200 кг/га меъёрда калийли ўғит берилган вариантда ҳам камайди.

5. Қанд лавлаги учун минерал ўғитларни $N_{200}P_{150}K_{200}$ кг/га меъёрда қўлланилиши ўсимликни озика моддаларини 1:0,7:0,9 нисбатда ўзлаштиришини таъминлаб, минерал ўғит меъёрлари ва ўсимликни озика моддалари ўзлаштириши орасида корреляцион боғлиқлик борлиги (у азотда $r=0,9968$, фосфорда $r=0,7765$, калийда $r=0,9985$) кузатилди.

6. Қишки совуқ урушидан сақлаш учун қанд лавлагидан уруғ ҳосили олишда минерал ўғитларни чуқур культивация қилиб, ўсимлик устини юпқа тупроқ билан ёпилганда мос равишда минерал ўғитлар меъёрларига боғлиқ ҳолда, ўсимликни 96% ни қишки совуқ уришидан сақлади.

7. Қанд лавлагидан уруғ ҳосил олиш учун қўлланилган минерал ўғитлар меъёрларини ортиши билан уни қуруқ модда тўплаши ҳам ортган. Қуруқ моддани асосий қисмини ўсимлик вегетациясини иккинчи йили генератив органлари пайдо бўлгунига қадар (апрель ойигача) жадал тўплаган.

Кейинчалик генератив органлар пайдо бўлишида илдизмевада бўлган ўзгариш ва барглари биологик тўкилиши ҳисобига унинг миқдори камайиб борган. Бу борада юқори кўрсаткич минерал ўғитлар меъёрини $N_{200}P_{150}K_{200}$ кг/га қилиб белгилаш орқали олинган бўлиб, ўсимлик оғирлигини (хўл холда) 421,0 г/ўсимлик бўлишини, қуруқ моддани эса юқори 73,0 г/ўсимлик бўлишини таъминлайди.

8. Наманган вилоятининг суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида $N_{200}P_{150}K_{200}$ кг/га меъёрида минерал ўғитлар қўллашда қанд лавлагидан 9,3 ц/га уруғ ҳосили олишга эришилди. Олинган маълумотлар математик таҳлили (азотда $НСР_{05}=0,15$ ц/га, фосфорда $НСР_{05}=4,56$ ц/га, калийда $НСР_{05}=0,18$ ц/га) ҳамда минерал ўғит меъёрлари билан ҳосилдорлик орасида (азотли ўғитларни меъёрига боғлиқ ҳолда $r=0,9939$, фосфорли ўғит меъёрлари билан боғлиқ $r=0,9148$, калийли ўғит меъёрига боғлиқ ҳолда $r=0,9939$) ишончли боғлиқлик борлигини кўрсатди.

9. Қанд лавлаги уруғлик ҳосили олиш учун ўстирилганда амал даврининг иккинчи йилини апрель ойи иккинчи ўн кунлигидан бошлаб генератив органлар ҳосил бўла бошлади ва амал даври охиригача давом этди. Бу даврда генератив органлар (поя, шона, гул ва уруғ) шаклланиб борган. Минерал ўғитлар меъёрини $N_{200}P_{150}K_{150}$ ва $N_{200}P_{150}K_{200}$ кг/га қилиб белгиланиши уруғларни унувчанлигига салбий таъсир кўрсатсада мос равишда 95 ҳамда 94%, бир гектар майдондан йиғиб олинадиган унувчан уруғ миқдорини юқори (8,5 ц/га; 8,9 ц/га) бўлишини таъминлади.

10. Минерал ўғитлар меъёрларини ($N_{200}P_{150}K_{200}$ кг/га) қанд лавлагидан уруғлик олишдаги иқтисодий самарадорлигига кўра рентабеллик 66,2% ни ташкил этди.

11. Қанд лавлагидан уруғлик олиш учун берилган минерал ўғитлар меъёрини $N_{200}P_{150}K_{200}$ кг/га қилиб белгиланганда тупроқда 2,76 т/га миқдорда илдиз ва анғиз қолдирди. Уларнинг таркибида азот 193,2 кг/га, фосфор 110,4 кг/га ва калий 165,6 кг/га миқдорда бўлди.

12. Наманган вилоятининг суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида қанд лавлагидан юқори ва сифатли уруғ ҳосили олиш учун минерал ўғитлар меъёрини гектарига $N_{200}P_{150}K_{200}$ кг қилиб белгилаш, фосфорли ва калийли ўғитларни 100 фоиз хайдов остига солиш, азотли ўғитларни иккига бўлиб, 50 фоиз оналик илдизмевани шакллантириш учун ўсимликни биринчи йили, 50 фоиз эса ўсимликнинг иккинчи йили генератив органларни шакллантириш учун қўллаш тавсия этилади.

13. Қанд лавлагига минерал ўғитлар меъёрини $N_{200}P_{150}K_{200}$ кг/га қилиб белгилаш ўсимликни яхши ўсиб-ривожланишига, қуруқ модда тўплашига, ўсимликлар тупроқдан озика моддаларини яхши ўзлаштиришига, юқори уруғ ҳосилининг шаклланишига, кўп миқдорда тупроққа илдиз ва анғиз қолдиришига хизмат қилади. Шунингдек, олинган маълумотлар ва агрохимёвий таҳлиллардан тупроқшунослик, агрохимё, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси йўналишларда талабалар ва магистрантларга махсус курслар ўқишда фойдаланиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ ПОЧВОВЕДЕНИЯ И АГРОХИМИИ**

НАМАНГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ОДИЛОВ ИСЛОМЖОН КОМИЛЖОН УГЛИ

**ЭФФЕКТИВНОСТЬ НОРМ МИНЕРАЛЬНЫХ УДОБРЕНИЙ В
ПОЛУЧЕНИИ СЕМЕННОГО УРОЖАЯ САХАРНОЙ СВЕКЛЫ.
(В условиях светло-серозёмных почв Наманганской области)**

06.01.04 – «Агрохимё»

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент - 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.4.PhD/Qx559.

Докторская диссертация выполнена в Наманганском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета по присуждению ученых степеней при Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии по адресу: (www.soil.uz) и в информационно – образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Сулаймонов Иномжон Жамолдинович
кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты:

Каримов Хусниддин Нагимович
доктор сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник
Научно-исследовательский институт почвоведения и агрохимии

Мирзаев Лутфулло Арибжанович
кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник
Министерство сельского хозяйства Республики Узбекистан

Ведущая организация:

Ташкентский государственный аграрный университет

Защита состоится «13» 07 2022 г. в «14»⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 при Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии по адресу: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ, НИИПА Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: info@soil.uz).

С данной диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института почвоведения и агрохимии (зарегистрирована за № 64). Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ, НИИПА Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37;

Автореферат диссертации разослан «27» 06 2022 года

(реестр протокола рассылки № 6 от 27 06 2022 г.)



Ш.М.Бобомуродов
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.б.н., старший научный сотрудник

Ж.М.Кузиев
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.с.х.н., старший научный сотрудник

Н.Ю.Абдурахмонов
Председатель научного семинара по присуждению ученых степеней, д.б.н., старший научный сотрудник

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

